

Анас ибн Шарийқ исмли бир мунофиқ сабаб нозил бўлган оятлар



09:00 / 10.06.2021 1915

- Сиёсатчи бўлгани ҳолда вафодорлик ҳақида гапирмоқда.
- Йўлбошчи бўлгани ҳолда ватанпарварлик ҳақида гапирмоқда.
- Иймоний бўлгани ҳолда инсонпарварлик ҳақида гапирмоқда.
- Матбуот соҳасида бўлгани ҳолда ростгўйлик ҳақида гапирмоқда.
- Тарих соҳасида бўлгани ҳолда нохолислик ҳақида гапирмоқда.
- Шаҳват ва лаззатларга ғарқ бўлгани ҳолда очлик ва зоҳидлик ҳақида гапирмоқда.
- Кескин йўналиш (радикал кайфият)да бўлгани ҳолда васатийлик, мўътадиллик ҳақида гапирмоқда.
- Ўғри ва талончи бўлгани ҳолда омонатдорлик ҳақида гапирмоқда.
- Босқинчиликка қўл ургани ҳолда тинчлик ҳақида бонг урмоқда.
- Ташқи кўриниш, чиройга ружу қўйгани ҳолда муҳаббат ҳақида гапирди.
- Ахлоқан тубан бўлгани ҳолда маданият ҳақида бонг урмоқда.
- Ўзи бузуқ бўлгани ҳолда шарм-ҳаё ва иффат ҳақида гапирмоқда.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг ҳаёти дунё ҳақида гапирган гапи сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймониға» Аллоҳни гувоҳ келтиради.** (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва насларни ҳалок қилиш учун югуриб елиб юради. Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. Қачон унга: «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади - етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!», деб марҳамат қилган. *(Бақара сураси, 204-206-оятлар)*

Изоҳ: Юқоридаги уч оят Анас ибн Шарийқ исмли бир мунофиқ ҳақида нозил бўлгандир. У пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, ўзининг ҳақиқий мўмин эканлиги ҳақида ёлғон қасамлар ичиш билан пайғамбар алайҳиссаломнинг кўнгилларини ўзига хайрихоҳ қилишга уринганида, мазкур оятлар билан Аллоҳ таоло ўз пайғамбарини огоҳлантиради ва у мунофиқнинг мўминларга етказаётган зиёнларини элга ошкор қилади.

Манба: arabic.uz